

ABU HAFS NASAFI'S CONTRIBUTION TO THE DEVELOPMENT OF ISLAMIC CIVILIZATION

А. Аллоқулов

Ўзбекистон халқаро исломакадемияси, Исломшунослик ва ислом цивилизациясини ўрганиш ICESCO кафедраси катта ўқитувчиси, (PhD)

АННОТАЦИЯ

Абу Ҳафс Насафий XI-XII асрларда мотуридийлик таълимоти назариясини ихчам ва лўнда ёритиб беришга алоҳида эътибор қаратган. Бунинг натижасида ўзининг “Ақоид” асарини араб тилида ёзган ва унинг шогирди Бурҳониддин Марғиноний асарни форс тилига таржима қилган. Олимнинг “Ақоид” асари ҳанафий мазҳаби тарқалган ҳудудларда дарслик сифатида ўқитиладиган адабиётлардан бирига айланиши унга кўплаб шарҳлар битилишига олиб келган. Асарнинг бугунги кунгача етиб келиши унинг нечоғли аҳамиятга молик экани билан белгиланади.

Калит сўзлар: ақида, калом, ақоид, Абу Ҳафс Насафий, самъий далил, нақлий далил.

INTRODUCTION

In the late eleventh and early twelfth centuries, many scholars emerged from Mawarannahr who made an invaluable contribution to the development of Islamic civilization. One such scholar is Abu Hafs Umar al-Nasafi (461-537/1069-1142). He is mentioned in the sources as a scholar who was actively involved in the development of various fields of Islamic knowledge in his time. In the books of *tabaqat*, he is mentioned as a *mufassir*, *muhaddith*, *faqih*, *mutakallim*, *sufi*, *poet* and *lexicographer*. In particular, Abu Hafs al-Nasafi wrote works on the commentary of the Qur'an, such as “*al-Taysir fit tafsir*” (Lightness in the science of tafsir), “*al-Akmal wal-atwal*” (Perfect and long) and “*Tafsiri Nasafi*” (Nasafi's tafsir).

Scholars are conducting research on these books and doing extensive work to create their critical texts. Nasafi also wrote his commentary on Imam Bukhari's “*Sahih al-Bukhari*” entitled “*Sharhu Jami' al-Sahih*” (Commentary on Sahih Collection). This work reveals his activity as a *muhaddith*. According to the sources, Nasafi's chain of transmission to reach Imam Bukhari was more than 50 and he quoted all of them in the preface to this commentary. In addition, the scholar has authored books on hadith, such as “*al-Qand fi zikri 'ulamai Samarkand*” (a sweet book of Samarkand scholars), “*Majmu'atu ahadith*” (A collection of hadiths), “*Tatwilul asfar li tahsilil akhbar*” (A long journey to study the hadiths).

The works of the scholar on *fiqh* (Islamic jurisprudence) and *usul al-fiqh* served as the basis for new directions in his time. In particular, in his book “*Manzuma al-Nasafiya fil khilafiyat*” (Nasafi's manzuma on disputes) the differences between the sects and the minor differences between Abu Hanifa (80-150/699-767) and his two disciples Abu Yusuf Ya'qub (d. 178/795) and Muhammad bin Hasan al-Shaybani (d. 189/805) were expressed for the first time in the genre of poetry. Also, in his work “*Tilbatut talaba*” (Student's wish), the terms and phrases related to the science of *fiqh* are briefly and clearly illustrated. This work was also a novelty for its time. This is because through this work, the scholar compiled the terms of *fiqh* and created a glossary of Hanafi jurisprudence.

Abu Hafs al-Nasafi is one of the scholars who also worked in the field of Sufism and left a rich scientific legacy in this field. In particular, his book “al-Kitab fil bayan al-mazahib al-mutasawwifa” (Book on the Explanation of Sufi Sects) describes 12 sects on Sufism, of which only the Ahl al-Haq are on the right path and the rest are misguided groups.

Nasafi’s most famous and more translated work “Aqaeed” is still memorized by students as a source that expresses the basics of Maturidiyya teachings. More than 50 commentaries have been written on this book so far. Also, the fact that “Aqaeed” is being currently commented in Arabic and Urdu shows how important the work is. This work also played an important role in the regional spread of the doctrine of Maturidiyya. The book was written in Arabic by Abu Hafs al-Nasafi in Samarkand on the instructions of Malikshah, the ruler of the Seljuks, and its translation into Persian was made by the scholar’s disciple Burhanuddin al-Marghinani.

The disciples raised by Abu Hafs al-Nasafi and the rich scientific legacy he left behind define his contribution to the development of Islamic civilization. One of the most pressing issues today is the study of the scholar’s works preserved in the world’s manuscript funds and their delivery to readers.

Ровийларнинг библиографияси билан шуғулланган Самъоний: “Насафийнинг асарлари жуда кўп бўлган”, деб таъкидлаган¹. Маҳмуд ибн Сулаймон Кафавий “Аълому-л-ахёр мин фуқаҳои мазҳаби-н-Нуъмон ал-мухтор”да Насафийнинг 100 дан ортиқ китоби борлигини қайд қилиб, улардан баъзиларини келтирган². Манбаларда Насафийни фақиҳ, адиб, фазилатли имом, усулчи, мутакаллим, муфассир, муҳаддис, нахвчи, луғатчи, тарихчи, ҳофиз, муфтий, шоир ва мутафаннин (турли илмларни ўзлаштирган) олим бўлгани³, кўпроқ тафсир, ақоид, ҳадис, фикҳ⁴ соҳасида ижод қилгани кўрсатилган.

Насафийнинг тарожим китобларида келган асарларини таҳлил қилиб, қуйидаги фан тармоқларига тақсимлаш мумкин:

Тафсир ва Қуръон илмларига оид китоблари:

“ал-Акмалу-л-атвал”, “Тафсири Насафий” (Насафий тафсири), “ат-Тайсир фи-т-тафсир”.

Ҳадис ва ҳадис илмларига доир асарлари:

“Китобу-л-қанд фи зикри уламаи Самарқанд” (Самарқанд уламоларидан иборат қанддек ширин китоб), “Ал-Явақит фи-л-мавақит” (Вақтлар борасида ёқут каби маълумотлар), “Шарҳу-л-Жомиъи-с-саҳиҳ” (Саҳиҳ тўплам шарҳи, “Ас-Сабъийят ва-с-самъийят” (Еттиликлар ва эшитиш), “Татвилу-л-асфар ли таҳсилу-л-ахбар” (Ҳадисларни ўрганиш учун узоқ сафар қилиш), “Ал-Ёқут” (Ёқут), “Мажмуъату аҳадис” (Ҳадислар мажмуаси), “Тийдоду-ш-шуюхи ли Умар”.

Усулу-л-фикҳ ва фикҳ илмларига доир асарлари:

“Ат-Таҳсил” (Ҳосил қилиш), “Шарҳу Усули-л-Қархий” (Қархий усулининг шарҳи), “Ал-Манзумату-н-Насафия фи-л-хилофиёт” (Ихтилофли масалалар борасидаги Насафий

¹ Абу Ҳафс Насафий. Ал-Қанд фи зикри уламаи Самарқанд. – Б. 115.

² Кафавий. Аълому-л-ахёр. / ЎЗР ФА ШИ кўлэмаси, Р: 91. – Вв. 132-133.

³ Лакнавий. Ал-Фавоиду-л-бахия. – Б. 149; Юсуф Илён Сергис. Муъжаму-л-матбуоти-л-арабия. – Ж. III. – Б. 1854; Абдулқодир Қураший. Ал-Жавоҳир ал-музийя. – Ж. I. – Б. 394; Исмоил Бағдодий. Ҳадияту-л-орифин. – Ж. I. – Б. 783; Каҳҳола. Муъжаму-л-муаллифин. – Ж. VII. – Б. 306; Ибн Ҳажар. Лисону-л-мизон. – Ж. IV. – Б. 327; Тошқубрузода. Мифтаху-с-саъода. – Ж. I. – Б. 127; Зириклий. Аълум. – Ж. V. Ж. Б. 222; Ибн Қутлубғо. Тожу-т-тарожим. – Б. 47.

⁴ Абдулқодир Қураший. Ал-Жавоҳир ал-музийя. – Ж. I. – Б. 394; Ибн Ҳажар. Лисону-л-мизон. IV. – Б. 327; Ибн Қутлубғо. Тожу-т-тарожим. – Б. 47; Тошқубрузода. Мифтаху-с-саъода. – Ж. I. – Б. 128; Лакнавий. Ал-Фавоиду-л-бахия. – Б. 149.

манзумаси), “Тилбату-т-талаба” (Талабанинг истаги), “Ал-Муътақадот” (Эътиқод қилинадиган нарсалар), “Машариъу-ш-Шориъ фи фуруъи-л-ҳанафия” (Ҳанафий фуруъу-л-фикҳида Шориъ жорий қилган амаллар), “Назму-л-Жомиъи-с-сағир” (“Жомиъу-с-сағир”нинг назми).

Тасаввуф илми ва тариқатларга бағишланган асари. “Ал-Китоб фи-л-баёни-л-мазаҳиби-л-мутасаввифа” (Тасаввуфий мазҳабларнинг баёни борасидаги китоб)

Насафийнинг китобларида кўп учрайдиган шеърлар уни назм соҳасида юксак қобилиятга эгалигидан дарак беради. “Китобу-л-қанд”да келтирилган ҳадисларнинг аксариятини шеърӣ услубда шарҳланиши бунга мисол бўлади. Шунингдек, у биринчилардан бўлиб, фикҳни назмга солган фақиҳ ҳисобланади. “Ал-Ашъор би-л-мухтор мина-л-ашъор” (Шеърлардан танланган шеърлар) номли тўпламда олимнинг энг машҳур шеърлари жамланган. У 20 жилддан иборат бўлиб, манбаларда “ал-Ашъор” тарзида ҳам учрайди⁵.

Абу Ҳафс Насафийнинг бошқа соҳаларга оид асарлари: “Тарихи Бухоро”, “Рисола фи-л-фирақи-л-исломия” (Исломиӣ фирқаларга оид рисола), “Даъвоту-л-мустағфирин” (Истиғфор айтувчиларнинг чақириқлари), Мусо ибн Абдуллоҳ Ағматий Абу Ҳафс Насафийдан ҳадис ўрганиш учун 516/1122 йил Самарқандга келганида Насафий унга бағишлаб қуйидаги китобни ёзган: “Ужжолату-н-Нахшабий ли зайфиҳи-л-мағрибий” (Мағриблик меҳмонга Нахшабийнинг шошилинич тўплами). Шунингдек, Насафий “Ал-Жумалу-л-маъсурот” (Нақлий жумлалар), “ал-Ижозату-л-мутаржама ва-л-хуруфу-л-муъжама” (Таржимали рухсатнома ва муъжам ҳарфлар), “ал-Мунаббихот” (Танбих берувчилар), “ал-Ҳисн” (Қўрғон) ва бошқа бир қатор нодир манбалар муаллифидир⁶.

⁵ Ибн Қутлубғо. Тожу-т-тарожим. – Б. 47; Ҳожи Халифа. Кашфу-з-зунун. I. – Б. 418; Лакнавий. Ал-Фавоиду-л-бахия. – Б. 149; Исмоил Бағдодий. Ҳадияту-л-орифин. – Ж. I. – Б. 783; Зириклий. Аълум. – Ж. V. – Б. 222.

⁶ Лакнавий. Ал-Фавоиду-л-бахия. – Б. 149; Исмоил Бағдодий. Ҳадияту-л-орифин. – Ж. I. – Б. 783; Зириклий. Аълум. – Ж. V. – Б. 222; Билмен. Большая Исламская научная энциклопедия. – Ж. II. – С. 463; Ибн Қутлубғо. Тожу-т-тарожим. – Б. 47; Вг. Gal. – Ж. I. – Б. 550, 762; Ҳожи Халифа. Кашфу-з-зунун. 1/25, 602, 756, 1125; Ёкут Ҳамавий. Муъжаму-л-удабо. – Ж. XVI. – Б. 70.